# ЧУЧВАРАНИ ХОМ САНАЙДИГАНЛАРНИНГ ДАВРИ ЎТДИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

май, қолоқликка йўл қўйилди. Натижада буғдой ва арпанинг республика бўйича ўртача ҳосилдорлиги режадаги 17,2 ўрнига 12,9 центнерга, суғориладиган майдонларда 25 ўрнига 21,1 центнерга тушиб қолди. **Бухоро вилоятида ҳосилдорлик 14,6 Хоразмда 15,4 центнерданга тўғри келди. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикасида ҳосилдорликнинг 7,6 центнер бўлганлигини ҳеч қандай баҳонаю сабаб билан оқлаб бўлмайди. Суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан 7,4-13,5 центнердан ҳосил олган Тўрткўл, Баҳористон, Меҳнатобод туманлари хўжаликлари мамлакатнинг ғалла мустақиллигига тезроқ эришишига тўғаноқ бўлмоқдалар.**

Бундай қолоқликнинг боиси суриштирилса, раҳбару мутахассислар сабабларни қалаштириб ташлайдилар. Аммо сабабни баҳона билан чалкаштирмаслик керак. Кимки шу йўл орқали ўзини оқлайман деса, қаттиқ янглишади. Энди ким ишласа, ўзи учун ишлайди. Баҳона эмас, имконият излайдиганлар баракали хирмон уйиб, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам тўкис қилади. Ёлчитиб ишлаш ўрнига баҳона ортига яширинадиганларнинг супраси қуруқ қолади. Бундайлар ҳамон боқимандалик кайфиятида юрибдилар, гўё давлат уларни ҳалиям дон билан таъминлашга мажбурдек. Чучварани хом санайдиганларнинг даври ўтди. Бозор ҳаётимизга чуқур кириб бораяпти. Вилоятлар дон маҳсулотлари билан ўзларини-ўзлари таъминлаш чораларини кўришлари лозим. Бунинг ўрнига **Қорақалпоғистонда 15,8 минг, Бухорода 15 минг, Жиззахда 24 минг, Қашқадарёда 25 минг, Самарқандда 22 минг, Тошкент вилоятида эса биратўла 32 минг гектар майдондаги ғаллазорлар мутлақо қаровсиз қолиб, умуман кузги ўрим-йиғимга етиб келмади. Увол бўлган шунча майдону донни ҳосилга чақиб кўрсак халқнинг қанча ризқи қийилганлиги аён бўлади.**

Суғориладиган майдонларда бошоқли дон муддатидан кечикиб экилаётгани ҳосилдорликнинг пасайишига сабаб бўлаяпти. Масалан, қиш бошланишига қадар Қорақалпоғистон Республикасида 53 фоиз, Жиззах вилоятида 48 фоиз, Қашқадарё вилоятида 49 фоиз, Тошкент вилоятида 48 фоиз майдондаги ғалла майсалари қаттиқ совуққа чидайдиган даражада ўсиб, ривожланмади. Ҳолбуки, 20 ноябргача униб чиқмаган буғдой ва арпанинг ҳосилдорлиги 30-40 фоиз пасайиб кетади. Бунинг устига кўчат ола бўлиб қолиб, ҳосилнинг баракаси учади. Кўп машаққатлар билан етиштирилган ғаллани қисқа вақт ичида ўриб-янчиб, саранжомлаб ола билмаслик, бу борадаги лоқайдлик, нўноқлик ва масъулиятсизлик ҳам қимматга тушаяпти. Ўтган йиғим-терим мавсуми Жиззах вилоятида 57, Сирдарё вилоятида 58, Самарқанд вилоятида 61, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида 62, Сурхондарё вилоятида эса 75 кунга чўзилди. Оқибатда ҳаддан ташқари пишиб кетган бошоқлар чатнаб, ҳосилнинг анчагина қисми ерга тўкилди. Тайёр ҳосилни ҳам эплаб йиғиштириб ола билмасликни ношудликдан бошқача баҳолаб бўлмайди.

Ўрим-йиғим муддатининг чўзилиб кетишига асосий сабаб техникадан яхши фойдаланмасликдир. **Чунончи, ўтган мавсумда Қашқадарё вилоятида 1596 комбайндан 404 таси ишлатилмади. Бунинг устига, ҳар бир комбайн билан кунига нормадаги 8 ўрнига 4,7 гектар майдондаги ғалла ўрилди. Сурхондарёда 163, Самарқандда 180, Жиззахда 188 комбайн ўримда умуман қатнашмади.** Баҳона эса тайёр: техника қимматлашиб кетган, эҳтиёт қисмлар йўқ, ёнилғи тақчил ва ҳакозо. Лекин 30-40 центнердан ошириб ҳосил кўтарган вилоят, туман ва хўжаликлар-чи? Уларга биров четдан комбайн, эҳтиёж қисм ва ёнилғи олиб келиб бераяптими? Йўқ, албатта. Булар «эски касал»дан қатъийлик билан фориғ бўлиб, чинакамига ишлашяпти, келаётган даромаддан иш қуролларини созлашяпти. Даромадга яраша буромад қила билиш ҳам керак-да, ахир.

Қаранг, Қамаши туманидаги «Ғаллакор» жамоа-ширкат хўжалиги лалмикор ерлардаги дон ҳосилини ҳар йили 18-20 кундан ўтказмай, ўриб-янчиб олади. Бу хўжаликда ҳосилдорлик, ҳатто энг оғир келган йилда ҳам 12 центнердан кам бўлмайди. Сабаби — ўрим-йиғим муддати қисқа бўлгани учун дон ерга тўкилмайди, талон-торожлик ҳам йўқ. Ҳа, мавсум асоссиз чўзилдими, турли сабаблар билан хирмондан барака учиши тайин. Акс ҳолда Бахмал, Зомин, Шаҳрисабз, Китоб, Ғаллаорол туманларининг айрим хўжаликларидаги қолоқликни қандай изоҳлаш мумкин? Ахир уларнинг шароитлари «Ғаллакор» жамоа-ширкат хўжалиги билан деярли бир хил-ку!

Ғалла мустақиллигига эришишнинг энг мақбул йўлларидан бири ҳосилдорликни оширишдир. Бунинг учун ҳар бир туман ва хўжаликда иқлим ва тупроқ шароитига мос тушадиган навни танлай билишдир. «Ғалла» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси суғориладиган ерларга мўлжалланган 10 дан зиёд нав яратди ва ундан ҳам кўпроқ навни районлаштирди. Хўжалик раҳбарларию мутахассислар, қолаверса, ҳар бир деҳқон ана шу навларнинг ўзига хос хусусиятларини обдон билиб, ўрганиб олишлари лозим. Ота-боболаримиз у ёки бу навга донининг тўйимлигига қараб баҳо беришган. Ҳозир ҳам шунга амал қилиб, ғалланинг таркибида оқсил моддаси кўп бўлган навларини яратиш маъқулдир. Масалан, 18-20 фоиз оқсили бўлган навларни экиш эҳтиёждаги ғалла миқдорини 25 фоиз камайтириш имконини беради. Яъни шунга яраша ер майдони ҳам тежалади.

Буғдойнинг «Интенсив» нави республикамиз шароитида 65-70 центнер, «Ёнбош» ва «Шердор» навлари 60-65, «Сангзор-4» ва «Безостая 1» навлари 50-60 центнергача ҳосил тўкиши мумкин.

Ҳар бир вилоят, туман ва хўжалик ўзини-ўзи уруғлик билан таъминлашга ўтадиган пайт келди. Бунинг учун жойларда эҳтиёжга қараб уруғчилик хўжаликлари ташкил этилиши зарур. Ана шунда уруғликнинг сифати, униб чиқиш миқдори, ҳосилдорлиги учун жавоб берадиган ташкилот тайин бўлади.

**Уруғликни тозалаб, албатта, дорилаб экиш ҳам ҳосилдорликка бевосита таъсир этадиган муҳим шартлардир. Афсуски, кўп жойларда уруғлик тозаланмай экилади. Натижада, ғаллазорларни бегона ўт босади, униб чиқиш миқдори 70-80 фоиздан ошмай, кўчат сийрак бўлиб қолади ва шунинг оқибатида 20-30 фоиз ҳосил бекорга йўқотилади.**

Баъзилар уруғлик ғаллани дорилашга кетадиган сарф харажатдан қочиб, шундай экаверадилар. Натижада қоракуя ва бошқа касалликлар хуруж қилади. Пировардида кўрилган иқтисодий зарар дорига кетадиган харажатлардан ҳам кўпга тушади. Ҳолбуки, ўзимизда яратилган самарали дорилар бор. Масалан, «Гуматнатрий» дорисини кўмир чиқиндиларидан бемалол олавериш мумкин. Нархиям жуда арзон — 1 килоси 60 сўм. Четдан келтириладиган «Денозол» эса ками билан 13 долларга тушади. Бир кило «Гуматнатрий» билан бир тонна уруғни дорилаш мумкин. У Ғаллаорол туманида синаб кўрилди. Одатдагидан уч баравар кам миқдорда сарфланганда ҳам уруғликнинг униб чиқиш миқдорини анча оширади, ҳосилдорлик ҳам юқори бўлади.

Ғалла етиштиришни ким хоҳласа ўшанга топшираверишкатта хатоликдир. Энди бунга чек қўйиш пайти келди. Бу экинни биладиган, тушунадиган, тажрибаси бор деҳқонларгагина ишониб топширмоқ керак. Ана шунда ҳар бир нав ўз хусусиятига қараб белгиланган фурсатларда экилади, вақтида озиқлантирилиб, талаб қилган пайтда суғориб, парвариш қилинади, бинобарин ҳосилнинг барқарорлиги кафолатланади.

Бизнинг шароитимизда ғаллага ўғит бермай, юқори ҳосил олиб бўлмайди. Тупроғимизнинг экологик ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш, яъни унумдорлигини ошириш учун ҳар гектар майдонга йилига камида 4 тонна гўнг ва бошқа органик ўғитлар солишни қатъий қоида қилиб қўйиш пайти келди.

Ҳозир четдан олиб келинаётган ғалланинг ҳар тоннаси 185 долларга, йўл ҳақлари билан 205-210 долларга тушаяпти. Буни ўзимизнинг сўмга чақиб кўринг-а. Бу ҳол узоқ давом этиши мумкин эмас. Ғаллачиликда қолоқлик ботқоғидан чиқа олмаётган вилоят, туман ва хўжаликларнинг раҳбарлари бу рақамларнинг мағзини обдон чақиб, тўғри хулоса чиқаришлари лозим.

Хуллас, мақсад — 1996 йилдан бошлаб ўзимизда 4,5-5 миллион тонна ғалла етиштиришни қатъий йўлга солиб олиш. Бунинг учун ҳамма имконият бор, фақат жиддий меҳнат қилиш керак, холос.

Бундан буён Қишлоқ хўжалик фанлари академияси хўжаликлар билан шартнома тузиб ишлашга ўтиши зарур. Бутун дунёда шундай. Нав хусусиятлари, агротехникаси ҳар бир вилоят, туман ва хўжаликка етказилиши лозим. Токи, улар бу йил кузда экиладиган уруғликни ҳозирданоқ танлаб, тозалаб, дорилаб, тахт қилиб қўйсинлар. Ана шунда ғалладан барқарор ҳосил олишга эришилади.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,**
**«Халқ сўзи»нинг махсус мухбири.**

*• Сайловдан кейинги мулоҳазалар*

# ПАРЛАМЕНТНИНГ АНДОЗАСИ ШАРҚДАН ОЛИНГАН ДЕЯ БАРАЛЛА АЙТИШГА БАРЧА АСОСЛАР БОР

**Лекин фахр туйғуси бизни карахт қилиб қўймаслиги керак**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари рўйхатини кўриб, қалбим фахр-ифтихорга тўлди. Чунки бу галги сайловлар мамлакатимиз тарихида илк бор демократик руҳда, кўппартиявийлик, муқобиллик асосида ўтказилди.**

Яна бир қувончли томони шундаки, сайловлар жараёнида Европа ва Ғарб давлатларининг кўплаб вакиллари холис кузатувчи сифатида иштирок этдилар. Бу эса юртимизда осойишта турмуш тарзи қарор топганлиги, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич, оғишмай ўтилаётгани, демократия ва ошкоралик шароитида қонун устиворлигига эришганлигимиздан далолат беради.

Маълумки, жамият тараққиётининг беш тамойилидан бири — Қонуннинг устиворлиги, деб белгиланган. Дарҳақиқат, Қонун устивор бўлмаган ҳамда унга амал қилмаган жамиятда бошбошдоқлик, жиноятчилик, иқтисодий-сиёсий жараённи издан чиқаришга интилиш, ҳокимиятга даъвогарлик каби иллатлар томир ота бошлайди. Буни ўтиш даврини бошидан кечирган ўнлаб мамлакатлар мисолида кўриш мумкин. Шу боис ҳам дастлаб асосий мақсад мамлакатда тинчлик-осойишталикни сақлашга, уюшган жиноятчиликка, порахўрликка қарши курашни кучайтиришга, прокуратура, суд идоралари, ички ишлар органларида қатъий интизом ўрнатишга қаратилди. Ва бу борада сезиларли ишлар қилишга эришилди.

Луғатимизда Олий Мажлис ибораси билан бир қаторда Парламент сўзи ҳам фаол қўлланила бошланди. Энди Парламент — Олий Мажлисда ишлаш собиқ иттифоқ давридагидек номигагина бўлмайди. Аксинча депутатлардан жиддий масъулият, зукко билим, ҳар бир масалага пухта ёндашув талаб этилади. Зеро, бу галги депутатларимиз орасида партиялар ва маҳаллий ҳокимият вакиллари, ҳуқуқшунослар, тарихчилар, олимлар, журналистлар, иқтисодчилар, врачлар, ишбилармон-тадбиркорлар бор.

Ўз ўрнини Олий Мажлисга бўшатиб бераётган Олий Кенгаш самарали меҳнат қилди. Унинг воситасида мамлакатимиз равнақи ҳамда фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини таъминлайдиган юздан зиёд янги қонунлар мажмуаси яратилди.

Таркиб топаётган янги парламент, ишончим комилки, қисқа давр ичида профессионал парламентга айланади. Зеро, бунинг учун бизда барча асос ва имкониятлар мавжуд.

Хўш, профессионал парламентнинг ўзи нима ва у қандай шаклланади? Ҳар бир мустақил давлат шаклланиш жараёнида маълум бир муддат ўткинчи қийинчиликларни бошидан кечириши, ҳатто баъзи бир нарсалардан буткул воз кечишга ҳам мажбур бўлади. Мамлакат маълум изга тушиб олиб, тараққиёт сари юз бургандан кейин сармоядорлик, тадбиркорлик, фуқароларнинг ишбилармонлик сифатлари камол топа боради. Шу билан биргаликда жамиятда юз бераётган ижобий ўзгаришларни кўриб турган фуқароларнинг ҳам ижтимоий-сиёсий фаоллиги оша бошлайди. Ана шундай жараёнда ўтказилган сайловлар профессионал парламентнинг юзага келишига асосий омил бўлади. Чунки ушбу жараёндаги демократик сайловлар илғор фикрловчи кишилар, зиёлилар, сиёсатдонлар, ҳуқуқшунослар, ишбилармонлар, тадбиркор ва бизнесменларни кашф этади. Бундай илғор фикрли кишилардан ташкил топган парламент, шубҳасиз, профессионал парламент даражасига кўтарилади.

Олимлар таъкидлаганидек, профессионал парламент Ўзбекистон учун янгилик эмас. Чунки унинг андозаси Шарқдан олинган, деб бемалол айтишга бизда барча асослар бор. Ғарб ва Европа мамлакатларида ҳали давлатчилик асослари юзага келмаган ёки тўлиқ шаклланмаган бир шароитда Шарқда, аниқроғи Мовароуннаҳрда Амир Темурдек буюк соҳибқирон қудратли ва темир интизомли армияга эга бўлган давлат қурган ва унинг шунга яраша «парламент»и — Маслаҳат Кенгаши мавжуд бўлган.

Ота-боболаримиз қолдирган мерос ҳамда қадриятларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Лекин қалбимизни фақат фахр туйғуси карахт қилиб қўймаслиги керак. Ўзимиз ҳам ўша ота-боболаримиз даражасига етишга ҳаракат қилмоғимиз, мамлакатимизни келажакда буюк давлат бўлишига эришмоғи учун тинимсиз изланишимиз, мавжуд қийинчиликлардан тап тортмаслигимиз лозим.

Бугунги давр Олий Мажлис депутатлари зиммасига катта масъулият юклайди. Улар мамлакат тараққиётига ҳар жиҳатдан кўмак бериши, қабул қилинадиган қонунларни пишиқ-пухта бўлиши учун ўз фикр, талаб ва истаклари билан фаол иштирок этишлари керак. Биз ана шундай йўл билан мавжуд мураккабликларни енгиб, тараққиётнинг ойдин йўлига чиқиб оламиз.

Парламентнинг мукаммалаша бориши, хорижий давлатлар билан йўлга қўйилаётган ижтимоий-иқтисодий алоқаларимизга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шу боис, кейинги икки йил ичида ўнлаб мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорлик, яхши қўшничилик алоқалари йўлга қўйилди. Хорижий сармоядорлар, ишбилармонларни кенг фаолият кўрсатиши ҳамда рағбатлантириш учун қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ўзаро шерикчилик асосида кўплаб қўшма корхоналар, фирмалар ва бизнес марказлари очилаяпти. Буларнинг барчаси яхшиликдан, мамлакат ўз халқини тўқ, фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш йўлида тинимсиз саъй-ҳаракат қилаётганидан дарак беради.

Айни пайтда мамлакатимизда чет эл сармояси иштирокидаги 1500 та корхона фаолият кўрсатаяпти. Расмий маълумотларга қараганда Ўзбекистоннинг ташқи савдо обороти 3 миллиард 600 миллион долларни ташкил этган. Бу ёш, эндигина тетапоя қилаётган мамлакатимиз учун қувончли воқеадир.

1994 йил Ўзбекистон учун хайрли ҳамда саховатли келди. Халқимиз кўплаб тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлди. Мана 1995 йилнинг биринчи ойи ҳам оёқлаяпти. Шу ой мобайнида Президентимиз Польша Республикасига расмий сафар қилди. Бу эса ҳар икки мамлакат учун ўзаро фойдали бўлган бир қанча аҳдлашувларга эришиш имконини берди. Консуллик конвенцияси, фойдадан икки ёқлама солиқ олмаслик, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, маданий ва илмий ҳамкорлик ҳамда икки мамлакат пойтахтлари ўртасида самолёт қатновини йўлга қўйиш каби ҳужжатлар ана шулар жумласидандир.

Бу эса 1995 йил юртимиз учун бундан-да, баракали келишидан, халқимиз ҳали кўплаб тарихий воқеаларнинг шоҳиди бўлишидан дарак беради.

**Миршоҳид МИРҲАМИДОВ,**
**ҳуқуқшунослик фанлари номзоди, доцент.**

## ОИТС МУАММОЛАРИ — ЖУРНАЛИСТЛАР МУҲОКАМАСИДА

Тошкент шаҳар Саломатлик марказида республика журналистлари учун ОИТС (орттирилган иммунитет тақчиллиги синдроми) касаллигининг олдини олиш, уни даволаш масалаларига бағишланган семинар бўлди. Семинарни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги ташкил этди.

Икки кунга мўлжалланган семинар дастури жуда тиғиз бўлиб, унда оммавий ахборот воситалари вакилларининг ОИТСдан хабардорлигини аниқлашга мўлжалланган тестлар, баҳслар, видеофильмларни намойиш қилиш кўзда тутилган эди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мутахассислари Р. Адамян ва М. Гомбау журналистлар ҳузурида лекция ўқишди.

Учрашув пировардида семинарда иштирок этган журналистлар барча касбдошларига мурожаатнома қабул қилиб, оммавий ахборот воситаларида бу хавфли касалликнинг олдини олишга доир ахборотлар бўйича фаол ишлашга чақирдилар.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Т. Искандаровнинг хабар қилишича, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорлик дастурида ОИТС масалалари бўйича яна 11 та семинар ўтказиш кўзда тутилган.

(ЎзА).



***Жиззах шаҳар ҳокимиятида янги паспортларни топширишга бағишланган тантана бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикасининг ёш фуқаролари — шаҳар мактаблари ўқувчилари ана шундай ҳужжатни илк бор ифтихор билан қўлга олдилар.***

***СУРАТЛАРДА: янги паспорт олган ёшлар; Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси паспорт бўлими бошлиғи ёшларга фуқаролик ҳужжатини топшираётган пайт.***

**Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) тасвири.**



## МУДДАТ ЭСА БОЙ БЕРИЛДИ

**Сурхондарёлик миришкорлар бу йил яна қийин аҳволга тушиб қолди. Иқлими юмшоқ бўлган вилоятда ерга картошка уруғи қадаш ноябрь-декабрь ойларига тўғри келишини назарда тутсак, бу муддат бой берилди.**

Режадаги 600 гектарнинг бор-йўғи 55 гектарига уруғ қадалди, холос. Қолган майдонларга экиш учун уруғлик топилмаяпти. Хўжаликларни уруғлик картошка билан таъминлаши лозим бўлган «Ўзсабзавотнавуруғлар» республика ташкилоти вилоят бирлашмаси четдан келтиришни умид қилиб, ўтган йили уруғлик жамғармади. Насим Бўриев раислик қилаётган вилоят уруғчилик бирлашмаси ҳам хўжаликлардан буюртма тушмагани баҳона, бу муҳим ишга панжа орасидан қаради.

Алқисса, маҳаллий шароитда уруғлик етиштириш имконияти бўла туриб четга кўз тикиш, боқимандалик кайфияти жуда қимматга тушадиганга ўхшайди. Сурхондарёликлар бу иллатдан қачон қутуларкин?

**ЎзА мухбири.**

*• Ислоҳот қирралари*

**Бу меҳнаткаш аёлни кўпдан бери биламан. Ҳар сафар Оҳангарон туманидаги «Ангрен» ширкат жамоа хўжалигига борганимда унинг даласига, албатта, ўтаман. Қияликлар, партов ерларга жойлашган экинзорларини оралайман. Ўтган йили Ҳайитгул опа 58 гектар майдонни ижарага олиб, деҳқончилик қилди. 5 гектарга экилган помидорнинг ҳар гектаридан 26 тонна, 10 гектардаги эртаги картошканинг гектаридан 12 тоннадан ҳосил кўтарди. Эски ва янги бедазорлардан ва бошқа сабзавот экинларидан ҳам мўлжалдагидан ошириб ҳосил олинди.**

# ҲАҚИҚИЙ ДЕҲҚОННИНГ ЮРАГИ ЕР БИЛАН БОҒЛАНГАН БЎЛАДИ

**Ўзбекистонимиз мустақил бўлгач, деҳқон учун ўзлигини намоён этиш вақти келди. Бу юрт корига қанчалик яраши билан ўлчанади. Ҳайитгул Шомирзаева деҳқончиликка қўл урганида шуни мақсад қилиб қўйган эди**

(РЕПОРТАЖ)

Бу сафар ҳам унинг даласига бордим. Кун совуқ, чуқур қилиб ҳайдалган шудгорларни қалин қор босган. Ҳайитгул опани дала бошида учратдим.

— Шу атрофга эртаги картошка экамиз, ҳув анави ерларга эса помидор билан бақлажон, — дейди Ҳайитгул опа қўли билан даланинг пастки қисмини кўрсатиб. — Ҳар гектар ерга ўн саккиз-йигирма тоннадан гўнг сепдик. Ёмғир ва қор сувлари билан маҳаллий ўғит шиpалари анча чуқур сингади. Манави ерда эса эллик тонна гўнг тўплаб устини ёпиб қўйганмиз, ёзда асқотади, сув билан эгатларга оқизамиз. Анави ерларимиз партав ерлар, унга кечки картошка экса бўлади, мана бу пайкалларга эса кечки пиёз экамиз, кунгай, сувга яқин. Кузга бориб бу ерлардан камида 30 тоннадан ҳосил кўтариш мумкин.

Тажрибали деҳқон — унвонсиз олим, ернинг тилини билишда, керакли ҳосилни ундиришда унга тенг келадигани йўқ. У ўз ақл-фаросати, меҳнати билан одамларга ризқу насиба улашади, нознеъматлар яратади. Ҳайитгул опа Шомирзаева ўтган йили 232 минг сўмлик даромад олди. Шундан 120 минг сўми соф фойда.

Шунча катта майдонда атиги беш олти киши: турмуш ўртоғи Эрмат ака Шомирзаев, ўғли Ўрозбой, келини Раънохон, қизлари Ҳилолахон, Мақсудахон яна икки кичик набираси меҳнат қилди. Ўрта ҳисобда ҳар гектардан 4 минг сўмдан даромад қилишди.

— Бу кўпми ёки озми? — сўрайман опадан.

— Бу жуда оз, — дейди Ҳайитгул опа. — Насибани қанчалик кўп ундириб олиш ҳар кимнинг меҳнати ва тадбиркорлигига боғлиқ. Биров бир гектар ердан минг сўм даромад олса, бошқаси ўн минг сўм, яна бириси юз минг сўм олиши мумкин. Ердан кўп фойда олган киши кўпроқ ерга энгашади.

Ерда хосият кўп. Ер ўргатганини ҳеч ким, ҳеч қайси муаллим ўргатолмайди. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз ерни онага қиёслашган.

— Ерни неча йилга олгансизлар? — сўрайман яна опадан.

— Беш йилга. Лекин ер деҳқонга кўпроқ муддатга берилиши керак. Ана шунда унинг авлодлари ҳам ҳадиксирамай, ўз ерларида ишлашади. Ерга уруғ сочиб, кетмон кўтарганларнинг ҳаммаси ҳам деҳқон эмас, ука. Ҳақиқий деҳқоннинг юраги ер билан боғланган бўлади.

— Ижарачиликнинг ҳозирги аҳволи сизни қаноатлантирадими?

— Йўқ. Ҳозир деҳқонга хўжайин кўпайиб кетди. Битта деҳқонга нима кераги бор, шунча хўжайиннинг? Бригадир деймиз, ҳисобчию диспетчер, иқтисодчию муҳандис, ҳосилоту танобчи, яна аллакимлар. Деҳқоннинг қўлига кўз тикиб ўтирганларнинг саноғи йўқ. Шу боис президентимизнинг иқтисодий ислоҳотлар соҳасидаги фармонлари айни дилимиздаги гаплар бўлди.

«Ангрен» хўжалигининг идорасига борганимизда Ҳайитгул опага яна 20 гектар ер берилганини эшитдик. Бош ҳосилот Турдибой Нажимов опа билан аллақачон шартнома тузилганини айтди.

**Мўмин ҚАЮМ,**
**«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.**

## КОНГЛИЛИКЛАР ҚУВОНЧИ

Гурлан туманидаги Конгли қишлоғига табиий газ келтирилди. «Ўзбекгазқурилиши» трестининг 1-кўчма механизмлаштирилган колоннаси, «Хизмат» ҳиссадорлик корхонаси қурувчи-монтажчилари ғайрати туфайли қисқа фурсатларда ўн тўрт километр масофага газ қувурлари ётқизилиб, хонадонларга уланди.

Табиий газ келишига бағишланган тантанада иштирок этган вилоят ҳокими М.Жуманиёзов қишлоқларни табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги Президент Фармонлари ижроси юзасидан Хоразмда амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапирди. Ҳоким таъкидлаганидек, бугунги кунга келиб вилоят қишлоқларининг 84 фоизи табиий газ билан таъминланди.

(ЎзА).

• *«Халқ сўзи» бонг уради*

# БОҚИМАНДАЛИК ҚАЧОНГАЧА?

**Жийдакапа темир-бетон буюмлари заводининг шуҳрати илгари республикага таралган эди. Ҳозир эса тобора сўниб бормоқда. Айниқса, сўнгги йилларда завод қолоқлик ботқоғидан чиқолмаяпти.**

***Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот турлари камайиб бормоқда. Буни қуйидаги рақамларда ҳам кўриш мумкин: ўтган йили 1993 йилга нисбатан 7000 метр куб маҳсулот кам ишлаб чиқарилди ёки 42 турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган завод ҳозирга келиб унинг ярмини ҳам ишлаб чиқармаяпти.***

— Ўтган йил билан олдинги йил кўрсаткичларини бир-бирига қиёслаш тўғри эмас, — дейди корхона директори муовини Жасур Рамазонов. — Йилдан йил аҳвол қийинлашиб боряпти, улар бир-биридан мутлақо фарқ қилади.

«Ишлашни хоҳлаган имконият қидиради, хоҳламаган баҳона», деганлари рост экан. Бўлмаса, завод раҳбарлари иқтисодий қийинчиликларни, шароитни рўкач қилиб, ўзларини оқламаган бўлардилар. Ҳолбуки, вилоятда мана шундай оғир шароитда ҳам ишлаб чиқаришни бир маромда давом эттириб, режаларни уддалабгина қолмай, балки юқори натижаларга эришаётган корхоналар оз эмас. Темир-бетон буюмлари заводи раҳбарлари эса «олма пиш, оғзимга туш», қабилида иш тутишмоқда. Завод учун асосий хом ашё металл ҳисобланса-да унинг раҳбарлари ўтган йил давомида ўз кучлари билан четдан бирор килограмм металл олиб келганлари йўқ. Фақат «Сув ҳаёт манбаи» корпорацияси берган ва буюртмачилар олиб келган металлга кўз тикиб ўтиришибди. Бундан ташқари, ўтган йил 900 тоннадан ортиқ металл кичик ва хусусий корхоналардан сотиб олинди.

Қизиқ, кичик ва хусусий корхоналар четдан олиб келаётган металлни нега завод раҳбарлари топишолмайди? Чунки ҳолва деган билан оғиз чучимайди-да. Бунинг учун елиб-югуриш, жон куйдириш, хуллас, фидойилик лозим. Шундагина воситачи ташкилотлардан зарур хом ашё бир неча баробар қимматига сотиб олинмайди.

Раҳбарларнинг боқимандалик кайфиятидан қутилишига шошилмаётгани завод жамоасига қимматга тушаётир. Корхона тўла қувват билан ишламаяпти. Масалан, ўтган йилнинг 9 ойи давомида мавжуд имкониятларнинг тўртдан биридан фойдаланилди, холос. Аниқроқ, қилиб айтганда 10 турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш билан кифояланди. Ҳайриятки, вилоятда катта ҳажмда бошланган «Учқўрғон—Наманган» сув иншооти қурилиши ўтган йил охирига келиб қизғин паллага кирди. Вилоят ҳокимлиги ва мутасадди қурилиш трестлари темир-бетон буюмлари заводига металл етказиб берганлари учун ҳам завод 4-чоракда бир миллион сўмлик иш бажарди. 9 ой давомида 10 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарган корхона сўнгги чоракда маҳсулот турини 20 хилга етказди. Кўриниб турибдики, хом ашё бўлса завод тўла қувват билан ишлаши мумкин. Бунинг учун бошқалар эмас, завод раҳбарлари жон куйдириши лозим. Ҳозир эса бунинг акси бўлмоқда.

Корхона фаолиятига маҳаллий ҳокимият қандай муносабатда бўлаётганлигини билиш мақсадида Уйчи туман ҳокимлигида бўлдик.

Ўтган йил бошидаёқ вилоят ҳокимлиги томонидан завод директори Х. Тошмирзаевга корхонани нормал ишлашини таъминлаш, бу борада имкониятлардан тўла фойдаланиш лозимлиги айтилиб, огоҳлантирилган.

Бир сўз билан айтганда, завод раҳбарлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун қайғуришмаяпти.

**Абдуҳошим МАДАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• *Долзарб мавзу*

# ИЗЛАГАН ЧОРА ТОПАДИ

***Ўтган йили мустақил мамлакатимиз пойтахтининг аҳолиси биргина «Тошкентқурилиш» давлат акционерлик қурилиш корпорацияси жамоасидан 3359 квартира олди. Бу ташкилот 1995 йил давомида 500 минг квадрат метрдан ортиқ уй-жой майдонини фойдаланишга топширишни режалаштирмоқда.***

***Бу режа қандай амалга оширилади? МДҲ мамлакатларининг корхоналари билан хўжалик алоқаларининг тўхтаб қолгани, ўзаро ҳисоб-китоб қилиш учун жўнатилган пулларнинг ўтмаётганлиги қурилиш мажмуини ривожлантириш йўлида қўшимча тўсиқларни вужудга келтирди. Тошкент бинокорлари бундай шароитда зиммаларига юклатилган вазифаларни қандай қилиб тўла-тўкис бажармоқда?***

***«Тошкентқурилиш» давлат акционерлик қурилиш корпорациясининг раиси Тоҳир ЗОКИРОВ ЎзА шарҳловчиси билан суҳбатда шу ҳақда сўзлаб берди.***

— Ўтиш даври қийинчиликлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин бу гаплардан ҳеч кимга фойда йўқ. Сафсатабозлик ўрнига аниқ иш билан шуғулланиш, бунинг учун ҳамма имкониятларни ишга солиш керак. Чунки, ҳар бир киши четдан ёрдам кутмай, ўз иш жойида ҳамма муаммони ўзи ҳал эта оладиган бўлиши учун бозор муносабатларига ўтяпмиз. Биз бу муаммоларни қандай ҳал қиляпмиз?

Биринчидан, ҳозир хорижий корхоналарга айланиб қолган олдинги мижозларнинг бинокорлик материаллари ва конструкцияларини етказиб бериши қийинлашган экан, демак, ўз қурилиш саноатимизни ривожлантиришимиз лозим. Шу жиҳатдан қараганда, ғишт заводи биринчи навбати қурилишини ўтган йилдаги энг катта ютуғимиз, деб ҳисоблаймиз. Бу завод йилига 30 миллион дона пишиқ ғишт етказиб бера олади. Ғишт заводининг ишга туширилиши, сўнгра ана шундай бошқа корхоналарнинг қуриб битказилиши йирик панелли кўпқаватли уйсозликдан иқлим шароитимиз учун қулайроқ бўлган ғиштин уйлар қуришга аста-секин ўтиш имконини беради.

Бошқа муаммоларни ҳам ҳал қилдик. Олдинги йилларда ободончилик ишлари ҳамда биноларни безаш учун кичик архитектура шаклидаги буюмларнинг кўп қисмини бизга Россиядан ва собиқ иттифоқнинг бошқа республикаларидан етказиб беришар эди. Эндиликда биз Германиядан технология жиҳатидан замонавий машина ускуналарини сотиб олдик, уларда ишлаш учун мутахассислар тайёрладик. Хуллас, тез орада тошкентликлар безакли плиталар ётқизилган йўлаклардан юра бошлайдилар, жамоаларимиз қурган уйлар ва ижтимоий, маданий-маиший иншоотларнинг меъморий жиҳатдан янгича безатилганини томоша қила оладилар.

Иккинчидан, ўз бинокорлик материаллари саноатимизни ривожлантириш тўғрисида гапирганда, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий алоқаларни инкор этмайман. Биз бу соҳада муваффақиятли иш олиб бораяпмиз. Масалан, Россиянинг Тюмень вилоятида бизнинг «Дўстлик» қурилиш трестимиз бир неча йилдан буён самарали ишламоқда. Трест жамоаси бу минтақада Россия нефть-газ қазиб чиқариш компанияларининг ҳамда Советск, Няган ва бошқа шаҳарлар маъмуриятининг буюртмаси билан уй-жойлар, мактаблар, маданий-маиший ва соғлиқни сақлаш иншоотларини қурмоқда. Бундан ташқари, бўлинмаларимиздан бири яқинда порт шаҳар — Новороссийскда панелли уй-жойни фойдаланишга топширди.

Янги йилда хорижий, иқтисодий маконни ўзлаштиришни кенгайтиришга аҳд қилдик. Ҳозирнинг ўзидаёқ, Москва вилоятида, Краснодар ўлкасида, Туркманистон ва Қозоғистонда қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун битимлар туздик.

Булар корпорациямизга нима беради? Аввало, республикамизда ишлаб чиқарилмайдиган, Ўзбекистонга етказиб берилаётган металл, ёғоч-тахта, санитария техникаси ва бошқа маҳсулотлар учун ҳақ тўлаш масаласини ҳал қилади.

**— Хорижда ишлаш яхши, албатта. Аммо ҳозирги пайтда қурувчиларингиз бевосита Тошкентда нима иш қиляпти, улар яқин келажакда пойтахтимизни ривожлантиришга қандай ҳисса қўшади?**

— Корпорациянинг бўлинмалари ўтган йил давомида уй-жойлардан ташқари, Юнусобод туманида йирик спорт-соғломлаштириш мажмуини қуриб битказди, айни шу жойда теннис бўйича Ўзбекистон Президенти кубоги учун эркаклар орасида дастлабки Марказий Осиё мусобақалари ўтказилди. Жамоамиз фойдаланишга топширган йирик иншоотлар орасида шаҳарнинг Олой, Бешёғоч бозорларидаги ва «Ғаллабанинг 40 йиллиги» даҳасидаги янги барпо этилган ва таъмирланган иморатларни айтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкентнинг эски шаҳар қисмини қайтадан тиклаш ва қуриш тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш юзасидан катта ҳажмдаги ишларни бажаришимиз лозим бўлади. Шу қарорга мувофиқ, Фаробий кўчасининг иккинчи участкасини ва Чимбой-Чиғатой кўчасини қайтадан қуришимиз, шунингдек уй-жойлар, маданий-маиший иншоотлар барпо этишимиз керак.

Шу йил тикланадиган иморатлар орасида саккизта мактаб, болалар боғчалари, касалхоналар, маиший хизмат комбинатлари, магазинлар, шунингдек, Ботаника боғи атрофида қуриладиган ҳайвонот боғи ва бошқалар бор. Хуллас, иш йўқ деб нолий олмаймиз.

**— Тоҳир Обидович, ўтган йилнинг охирида Президентимиз фармони билан сиз бошчилик қилаётган «Тошкентқурилиш» корпорацияси қайта тузилиб, «Тошкент молия-қурилиш корпорацияси»га айлантирилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент молия-қурилиш корпорацияси («Тошуйжоймолияқурилиш») фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарори ҳам эълон қилинди. Шу ҳужжатларнинг қабул қилиниши муносабати билан сиз бошчилик қилаётган катта жамоада қандай хайрли ўзгаришлар бўлади?**

— Аввало шуни айтишим керакки, Президентнинг мазкур Фармони ва ҳукумат қарори аҳолининг ва хорижий сармоядорларнинг маблағларини жалб этиш йўли билан Тошкентда уй-жой ва ёрдамчи тармоқлар иншоотларини қуриш ҳажмини кўпайтиришга қаратилган.

Янги ишлаб чиқариш қурилиш тузилмаси ихтиёрийлик асосида қурилиш ва лойиҳа ташкилотларини, мулкчилик шаклларидан қатъий назар, бинокорлик материллари корхоналарини, кредит-молия муассасаларини, жумладан, сармоя солувчи тузилмаларни бирлаштиради.

Корпорациянинг янги мақоми зиммамиздаги вазифаларни бажариш учун янги имкониятлар очиб беради. «Тошуйжоймолияқурилиш» корпорациясининг имкониятлари тўғрисида гапирганда, ишлаб чиқариш-хўжалик ва молия фаолиятидаги мустақилликдан ташқари, корпорацияга марказлаштирилган суғурта жамғармаларини ва бошқа жамғармаларни тузиш ҳуқуқи берилган. Бундан ташқари, корпорация уй-жой заёмлари облигацияларини (уй-жой сертификатларини) чиқариш ҳуқуқига эга. Бу ҳужжат заём эгалари маълум умумий сатҳдаги қурилишга маблағ берганини тасдиқлайди. Сертификатнинг белгиланган амал қилиши муддати давомида бу майдоннинг миқдори ўзгармайди. Облигацияларнинг қиймати йирик панелли уйларнинг умумий майдонидан 0,5 квадрат метр миқдорида бўлади. Тошкентликлар уй-жой билан қандай таъминланганликларидан қатъий назар, уй-жой заёми облигацияларини сотиб олишлари мумкин. Заём эгалари учун тегишли имтиёзлар ҳам кўзда тутилган.

Пировардида шуни айтмоқчиманки, «Тошуйжоймолияқурилиш» корпорацияси жамоаси ўз олдида турган улкан вазифаларни бажариш учун куч-ғайратини, билимини аямайди.

# ТАНДИР ТЎЛИБ ЁПИЛДИ НОН...

Кундан-кунга аҳолиси кўпайиб бораётган Тошкент азалдан нон шаҳри, деб ном қозонган. Меҳмондўст инсонлари ва моҳир новвойлари билан ана шу эъзозга сазовор бўлган. Шаҳар аҳолисини нон билан таъминлаш йўлида 2-нон корхонаси жамоаси ҳам тинмай меҳнат қилмоқда. Шу кунларда эл дастурхонини тўкин қилишдек савобли ишга корхонада 237 киши бел боғлаган. Иш уч сменада ташкил этилгани учун суткасига 33 тонна нон ишлаб чиқаришга эришилмоқда.

Корхонага яқинда Германиянинг «Винклер» фирмасидан келтирилган замонавий нон тайёрлаш ускунаси ўрнатилди. Эндиликда бу ускуна ёрдамида халқ эҳтиёжига қараб 30 хилга яқин нон пиширилади. Тайёр маҳсулот эса шу ерда ишга туширилган «Иссиқ нон» дўконида сотилади. Замонавий «тандир»нинг афзаллиги шундаки, унда нон тайёр бўлгунича деярли қўл кучидан фойдаланилмайди. Бундан ташқари, пиширилаётган нон сифати, вазни, санитария ҳолати автоматик равишда назорат қилинади. Янги тармоқ шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари дастурхонига «махсус батон», «оби нон», «олтой шохчаси», «патир нон», «Бородино нони», «кепакли нон» ва бошқа бир неча турдаги нон ва нон маҳсулотлари етказиб беради.

**Анвар ХУДОЙҚУЛОВ.**



**СУРАТЛАРДА: «Иссиқ нон» дўконининг умумий кўриниши; янги цехда; сотувчи М. Рўзметова харидорларга намунали хизмат кўрсатмоқда.**
**С. ЗУФАРОВ олган тасвирлар.**





"Дубай-бизнес-центр" МАГАЗИНИ



Panasonic

фирмасининг



маиший хизмат электроника ва электротехникаларини таклиф қилади
Манзилимиз:
Тошкент ш., Содиқ Азимов кўчаси, 81
Телефонларимиз:
(3712) 33-69-93, 32-09-57

Ўзингиз учун SONY дунёсини кашф этишни истайсизми?
Унда телевизорлар, видеомагнитафонлар, видеокамералар, мусиқий марказлар, магнитафонлар, аудио ва видеокассеталар
сотиладиган
"SONY" магазинига
ТАШРИФ БУЮРИНГ



Манзилимиз:
Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 20
Телефонларимиз:
(3712) 76-36-28, 76-77-27

• *Қилмиш-қидирмиш*

**Тўрт йил муқаддам Катта Фарғона каналининг Избоскан тумани ҳудудидан сувга чўктирилган «Жигули» машинаси топилди.**

# ҚОНЛИ ИЗНИ ҚОР БОСМАЙДИ

Маълум бўлишича, унинг эгаси бўйнига тош боғланиб, каналга ташланган экан. Олиб борилган қидирув ишлари самарасиз кетди. Жиноятчилар ер-кўкда йўқдек. Ким билади, балки терговчи нўноқлик қилгандир. Ҳар қалай, орадан икки йил ўттач, жиноий иш ҳаракатдан ётқизилди.

Ўтган йили қинғир ишнинг қийиғи чиқди. Қонли изни қор босади, деганлар адашган экан. Туман прокуратурасига ишга келган терговчи Омонилло Мамедов тўрт йил аввалги жиноятни фош қилиб ташлади...

Эгри мўридан эгри тутун чиқади. Улар Ҳаққулобод шаҳрида учрашишди. Қозоғистоннинг Жамбул шаҳридан келиб ўпка-сил касалликлари шифохонасида даволанаётган Расул Рамазонов, шу ерлик бемор Исмоил Умаровга дилини ёрди.

— Ҳаққулободдан уй олсам девдим, — сўз бошлади у, — оиламни кўчириб келардим.

— Пул борми?

— Шунга ҳам ташвишми, — жавоб қайтарди Расул, кейин унинг қулоғига нимадир деди. Исмоилнинг оғзидан таноби қочди.

— Нима хизмат бўлса тайёрмиз, — қўлини қовуштирди у.

— Ахир биз ҳам қуруқ қолмасмиз.

Ҳамтовоқлар режа тузишгач, Андижон шаҳрига келишди. Шоҳбекатда олазарак кездилар. Гоҳ у ўлжани, гоҳ бунисини кўзлашди. Иложини қила олмадилар. Сўнг шаҳардан чиқаверишда — Избоскан йўналишидаги бекатда тўхташди. Йўловчи машиналарга қўл кўтаришди.

— Касалмиз, — кишининг раҳмини келтирадиган қиёфага киришди улар, — Катта Фарғона каналига ташлаб қўйинг.

Е 03-84 ЛН белгили «Жигули» машинаси эгаси Елдарбой Назаров ачиндими ёки ҳожатини чиқармоқчи бўлдими, ҳарқалай уларнинг шартига кўнди.

... Машина дала йўлларидан ўтиб, Катта Фарғона канали ёқасига чиқди. Совуқ ниятли кимсалар режаларини амалга ошириш пайти келганини сезишди-да, ҳайдовчига машинани тўхтатишни буюришди. Елдарбой ҳали гап нималигини англамай туриб Исмоил ёнидаги кнопкали пичоқ билан ҳайдовчининг бошига урди. Расул шоша-пиша унинг бўйнини қайиришга тушди. Гапнинг очиғи Елдарбой ҳам бақувват, анча-мунчага бўш келадиганлардан эмасди. Шундай бўлса-да, ваҳшиёна қиёфага кирган икки маълун олдида у ўзини бошқара олмай қолди.

Расул бўш қопдай шалвираб қолган ҳайдовчини пастга тортди. Кейин басма-басига кўкси, юзи аралаш тепкилашга тушдилар. Исмоил машина эгасининг ўлганини ҳис қилиб, Расулга қаради.

— Кўйлагингни еч! — буйруқ қилди у. — Тошга тўлдир.

Исмоил беихтиёр унинг айтганига бўйсинди. Сўнг бир амаллаб мурданинг бўйнига боғлади.

— Энди каналга ташлаб юбораверсанг бўлади, — таъкидлади Расул.

Улар қабиҳ ниятни амалга оширгандилар. Энди «ўлжа»га қолган машинани пуллаб, қозоғистонлик беморга уй сотиб олишмоқчи эди. Бу ёғини сўрасангиз, Расул Қозоғистонда ҳам машина ўғирлаб сотиб, кўзи анча «пишиб» қолганди. Шу боис ҳеч иккиланмай иш тутди. Лекин бу гал уларнинг омади чопмади. Ҳайдовчи билан олишув чоғида машинанинг ўт олдириш қисми ишдан чиққанди. Улар узоқ ўйлаб ўтиришмади, оёққа тушов бўладиган машинани ҳам сувга чўктириб юборишди...

Орадан вақтлар ўтди, жиноят изсиз, сувга сингиб кетгандек эди. Кеч кузакда каналда сув озайиб, унинг ўзани кўринди. Ана шунда Елдарбойнинг машинаси кўзга ташланди. Лекин жиноятчилар барибир мавҳумлигича қолаверди. Тўғри, юқорида айтилганидек, жиноий иш қўзғатилди-ю, аммо уринишлар натижа бермади.

Ўрганган кўнгил экан. Ҳамтовоқлар яна мўмай пул илинжига тушиб қолишди. Сирдарёдан «Жигули», Андижон туманидан «ГАЗ-24» автомашинасини Қозоғистонга олиб бориб пуллашди. Аммо текин даромад кимга насиб этган эканки, уларга буюрсин. Улар одил суд ҳукми билан қамалди. Избоскандаги жиноятнинг очилишига эса Ҳаққулобод шаҳрида уларни таниган кишилар ёрдам бердилар. Тергов ишларини олиб бораётган Омонилла Мамадалиев уларга ашёвий далил — пичоқни кўрсатганда, жиноят фош бўлди. Айтадилар-ку, бузоқнинг югургани сомонхонагача, деб. Расул Рамазонов, Исмоил Умаровларнинг минг хил қиёфага кириб найранг ишлатганлари беҳуда кетди...

**Ф. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Давлат Аграр университетининг серияси ГТ-1 № 7178478 рақамли меҳнат дафтарчаси бланки йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

• *Истиқлол шарофати*

**Бир неча кундирки, пойтахтимиз кўчаларида жозибали кўринишга эга бўлган автобуслар қатнамоқда. Сувдаги кемадек текис юрадиган бу «улов»лар — «Мерседес-Бенц»лар минглаб шаҳарликлар узоғини яқин қилаяпти. «Мерседес-Бенц...» Бу фирма номини эшитганда Европа мамлакатларининг унча-мунча ишбилармонлари, бизнесменларининг ҳам иштаҳаси қитиқланади, унинг маҳсулотларини ҳеч бир эътирозсиз харид қиладилар. Худди ана шу фирма билан тузилган шартномага биноан, «Мерседес-Бенц»ларнинг дастлабки партияси олинди. Ҳозирча улар 21 та.**

# «МЕРСЕДЕС» БАРИБИР «МЕРСЕДЕС»-ДА

(Репортаж)

...Тошкент марказидаги «Истиқлол» бекати. 85-йўналишда қатнаётган «Мерседес-Бенц» автобуси келиб тўхтайди. Олд эшиклар очилиб, йўловчилар бирин-кетин туша бошлайдилар. Юзларидан мамнунлиги сезилиб турган кишилардан бири: «Мана буни автобус деса бўлади»,— дея ҳамроҳига дил қувончини изҳор этган бўлади. Ойисининг қўлидан тутган ёш қизалоқ бир муддат тўхтаб, ҳозиргина тушган автобусга завқ билан боқадида: «Ойижон, юринг, яна чиқайлик, мазза эканку!»— деб эркаланади.

Биз йўловчилар қатори автобусга чиқиб, юмшоқ ва бежирим ўриндиқлардан жой олдик. Салонга завқланиб боқамиз. Кенг ва шинам ишланган автобус бир зумда сизни ўзига маҳлиё этади. Олд ва орқа эшиклар ёпилиб, автобус оҳиста жила бошлайди.

**Собиржон УМАРОВ, ҳайдовчи, 85-йўналиш бригадири:**

— Дангалини айтиб қўя қолай: автобусга гап йўқ!— дейди, биз билан бўлган суҳбатда ҳайдовчи.— Айтайлик, кабина гидромеханик автоматик узатиш қутиси билан жиҳозланган. Тезликни ўзгартириш учун фақат тегишли тугмачаларни босиб турсангиз бўлгани; ўзи «учаверади». Юриш қисмлари алоҳида дид билан ишланган. Шу боис ҳам шаҳримизнинг айрим нотекис кўчаларидаям жуда енгил юраяпти.

Хўш, бу антиқа автобуслар тўғрисида тегишли мутахассислар қандай фикрда? Ана шу савол билан «Тошшаҳарйўловчиавтотранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи **Мирёқуб ТЎЛАГАНОВ**га мурожаат қиламиз:

— 1994 йилнинг июль ойида «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси ва республика Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг саъй-ҳаракатлари туфайли Германиянинг «Мерседес-Бенц» фирмаси билан шартнома тузилганди. Шунга кўра, дастлабки автобуслар олинди. Фирма бизга жами 165 та ана шундай бежирим машиналар етказиб бериши керак. Улардан 65 таси қўшсалонлидир.

Шаҳримиз кўчаларида хорижий машиналарнинг пайдо бўлиши янгилик бўлмаса-да, йўловчилар бу автобусларга айроча муносабат билдиришаяпти. Тўғри, собиқ иттифоқ даврида Венгриядан «Икарус»лар олдик, мустақилликка эришганимиздан сўнг, Жанубий Кореядан «ДЭУ» автобуслари келтирилди. Лекин «Мерседес» барибир «Мерседес»-да! Энг қулайлиги шундаки, ҳар 100 км.га 36 литр дизел ёнилғиси сарфланади. «Икарус»ларга эса 45 литр ёнилғи кетарди. Салонга 120 тадан 200 кишигача йўловчи сиғади. Иттифоқ даврида олинган автобусларга ҳар 12 минг километрда техник хизмат кўрсатиш талаб этилса, «Мерседес-Бенц» 45 минг километргача техник қаровсиз ишлайди. 1 млн. км.гача капитал ремонтсиз юриш кафолати бор.

Янги автобуслар 1-, 4-, 8-автокорхоналар ихтиёрига берилди. Ҳозирча, «Мерседес-Бенц»лар Тошкент шаҳрининг аҳоли энг гавжум яшайдиган Юнусобод, Сирғали (18, 51, 67, 38, 57-йўналишларда) ва Қорақамиш мавзеларига (85-йўналишда) қатнаяпти.

«Мерседес»нинг келишику яхши-я, лекин у ҳар доим ҳам эгарланган отдек юравермаса керак?» деган савол туғилиши табиий. Бу муаммо ҳам мутахассислар назаридан четда қолгани йўқ. Яқин орада Тошкент шаҳридаги 8-автокорхона қошида бу машиналарга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўлими иш бошлайди. Барча зарурий ускуналарни келтириш ва уларни ўрнатиш, кадрларни ўқитиш масъулиятини «Мерседес-Бенц» фирмаси раҳбарияти ўз зиммасига олган.

**Шодиёр КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## АСТРОБОДДА БОШ ТЎҒОН ҚУРИЛДИ

Астробод қишлоғида Учқўрғон — Наманган сув иншооти қурилишининг бош тўғони барпо этилди. Уни «Наманганводстрой» трестининг 8-колонна ишчилари фойдаланишга топширдилар. Бу иншоот қурилишида Кўпайсин Ғофуров, Аҳмадали Халилов, Жамолхон Салоҳиддинов, Абдураҳим Тожибоев, Маликжон Холиқов, Акрамжон Тожибоев сингари ғишт терувчилар, пардозловчи усталар, чилангарлар ибратли меҳнат қилдилар.

**Т. СУЛАЙМОНОВ.**

## ТАДБИРКОРЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Хоразм вилоятида «Тадбиркор» ҳафталик газетаси нашр қилина бошланди. Рўзнома саҳифалари ранг-баранг мақолалар, реклама-эълонларга бой. Бу эса ишбилармон, тадбиркорларнинг бир-бирлари билан танишуви, ҳамкорлигига имкон яратади.

Агар вилоятда ҳозирги кунда мингдан зиёд турли кичик корхона, 1200 нафар дўкондор, ўн икки минг нафардан ортиқ меҳнатнинг якка тури билан машғул кишиларнинг борлигини эслатсак, мазкур янги нашр тадбиркорликни касб қилган ёки орзу этаётган кишиларга йўл кўрсатувчи яқин маслаҳатдошга айланиши шубҳасиз.

## Краснослав Петрович ДУДИН

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи Краснослав Петрович Дудин 25 январь куни вафот этди.

Краснослав Петрович Дудин 1929 йил 20 октябрда Самара шаҳрида туғилди. 1952 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини битиргандан сўнг Тува қурилиш-монтаж идорасида меҳнат қилди. 1955 йилдан 1963 йилга қадар Фарғона вилоятида самарадорлик билан меҳнат қилиб, ишбошиликдан Марғилон қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғигача бўлган йўлни босиб ўтди. 1959 йилдан партия ишига ўтди. 1966 йилда Тошкент қурилиш бош бошқармасининг 11-баланд иморатлар қуриш тресли бошқарувчиси этиб тасдиқланди.

К. П. Дудин 1970—1985 йилларда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар қўмитасининг котиби, сўнгра эса иккинчи котиби бўлди.

1985 йилда Тошкент қурилиш бош бошқармаси бошлиғи этиб тайинлангач, К. П. Дудин бутун кучи ва ғайратини Ўзбекистон пойтахтида қурилиш ишига, шу жумладан шаҳар марказини қуриш, метрополитен йўлини барпо этиш, йирик ишлаб чиқариш корхоналари қуришга сарфлади. 1989 йилдан бошлаб республика бинокорлик материаллари саноати вазирлигида ишлади.

К. П. Дудин 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига ўтди, бу ерда банкнинг қурилиш ва тараққиёт бўлимига раҳбарлик қилди, сўнгги вақтда миллий банкнинг кўчмас мулк ва капитал қурилиш бошқармасига бошчилик қилди.

Краснослав Петрович Дудин қаерда ишламасин, ўз касб маҳоратини ва ташкилотчилик қобилиятини кўрсатди, у ҳамиша камтар, меҳрибон инсон, яхши раҳбар эди. Ишга, аввало одамларга муносабати билан ҳамманинг ҳурматини қозонган эди.

К. П. Дудин хизматлари кўпгина юксак давлат мукофотлари билан тақдирланди. К. П. Дудин Тошкент шаҳар кенгаши, Ўзбекистон Олий Кенгаши депутатлигига бир неча бор сайланди.

Кўплаб эзгу ишларнинг ташаббускори ва ташкилотчиси бўлган Краснослав Петровин Дудиннинг ёркин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**Бир гуруҳ ўртоқлари.**

• Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

### ЭНГ ЯХШИ 33 ЎЙИНЧИ

Мамлакатимизда биринчи марта йилнинг энг яхши 33 футболчиси аниқланди. Унинг ташаббускори «Ўзбекистон футболи» ҳафтаномаси бўлди.

Сўровда қатнашган мураббийлар 76 нафар футболчининг номини қайд этишди. Якуний натижаларга кўра қуйидаги ўйинчилар 1994 йилнинг энг яхши 33 футболчиси деб топилди.

**Дарвозабонлар:** ШЕЙКИН («Трактор»), Тинянов («Нурафшон»), Оллониёзов («Орол»).

**Ўнг қанот ҳимоячилари:** ДАВЛЕТОВ (МҲСК), Микляев («Нефтчи»), Тўраев («Орол»).

**Эркин ҳимоячилар:** ФЁДОРОВ («Нефтчи»), Акмал Ҳошимов (МҲСК), Баканов («Трактор»).

**Чап қанот ҳимоячилари:** ТИХОНОВ («Нефтчи»), Ширшов («Пахтакор»), Турсунов («Навбаҳор»).

**Олд қатор ҳимоячилари:** МАГОМЕДОВ («Навбаҳор»), Рўзимов («Пахтакор»), Захаров («Нурафшон»).

**Ўнг қанот ярим ҳимоячилари:** А. ДЎРМОНОВ («Нефтчи»), Маъруфалиев («Пахтакор»), Тюлкин («Трактор»).

**Марказий ярим ҳимоячилари:** АТОЯН («Нефтчи»), Шарипов («Пахтакор»), Келдиев («Навбаҳор»).

**Чап қанот ярим ҳимоячилари:** ЛЕБЕДЕВ («Нефтчи»), Тиллаев («Нурафшон»), Ғафуров («Сўғдиёна»).

**Олд қатор ярим ҳимоячилари:** Р. БОЗОРОВ («Нефтчи»), Ҳасанов (МҲСК»), Винников («Политотдел»).

**Чап қанот ҳужумчилари:** МАҚСУДОВ («Пахтакор»),



Р. Дўрмонов («Нефтчи»), М. Қурбонов («Темирйўлчи»).

**Ўнг қанот ҳужумчилари:** Р. АБДУЛЛАЕВ (МҲСК), Хабибуллин («Навбаҳор»), О. Шацких («Политотдел»).

Номлари биринчи қайд этилган футболчилар ҳаракат чизиқлар бўйича энг яхши деб топилиб, Ўзбекистоннинг рамзий терма жамоасини ташкил этишди.

### СЎНГГИ КЎРИКДАН ЎТИШДИ

Ҳафтанинг охирида МДҲ чемпионларига қарши майдонга чиқадиган Бухоронинг «Нурафшон» жамоаси сўнгги тайёргарлик машғулотларини Қибрай спорт мажмуида маромига етказди. Бухороликлар бу йилдан бошлаб голландиялик мураббий Вернер устозлигида майдонга чиқишга шайланаётган «Пахтакор» жамоаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказиб, 4:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. «Пахтакор» таркибида асосан янги, ёш ўйинчилар майдонда ҳаракат қилди.

### ГИЛХАУС ТОШКЕНТГА КЕЛОЛМАЙДИ

Икки йилдан буён юртимизга ташриф буюраётган Голландиянинг «Витесс» жамоаси ҳужумчиси Ханс Гилхаус ўз маҳоратлари билан юртимиз футболсеварлари орасида ҳам мухлисларини топган эди. Агар «Витесс» бу йил ҳам «Мустақиллик кубоги» турнирида қатнашиш учун мамлакатимизга келса, унинг таркибида футболсеварларимиз баланд бўйли Гилхаусни кўрмайдилар. Чунки Ханс бу йилдан бошлаб истеъдодларни катта маблағ эвазига ўзига оҳанрабодек тортаётган Япония футбол чемпионатида тўп суради. У мамлакатнинг «Панасоник — Осака» клуби билан шартнома имзолади.

### ФУТБОЛНИНГ САВИЯСИ ҚИЗЛАРГА БОҒЛИҚ

Португалия ҳукумати мамлакат футболсеварларини ғоят хурсанд қилди. Маълумки, ФИФА талабларига кўра мамлакат ички чемпионатларида қатнашаётган жамоалар таркибида тўрттадан ортиқ хорижий футболчи бир йўла майдонда ҳаракат қилиши мумкин эмас. Португалия ҳукумати кўпсонли футболсеварларининг қизиқишини инобатга олиб ҳамда мамлакат футболини янада ривожлантириш мақсадида ФИФАнинг ана шу талабини четлаб ўтишнинг йўлини қилди, яъни португал қизига уйланган ҳар бир хорижий футболчи Португалия фуқароси ҳисобланиши ҳақида қарор чиқарди. Чекланган миқдор туфайли заҳирада ўтириб қолаётган хорижий истеъдодларнинг ҳаммасини бир йўла майдонда кўриш мароқли, албатта. Ҳукумат бу йўлдаги тўсиқларни олиб ташлаш юзасидан ўз улушидаги, имконияти даражасидаги ишни қилди. Энди буёғи Португалияда тўп сураётган хорижий футболчилару португал қизларига боғлиқ.

## КУТИЛМАГАН НАТИЖАЛАР

Пойтахтимизда сузиш бўйича В. Митрофанов хотираси соврини учун Ўзбекистон кубогининг анъанавий турнири бўлиб ўтди. 27-марта ўтказилган бу турнирда республикамизнинг энг кучли 236 спортчиси қатнашди.

Умумий кўрсаткичлар бўйича эркаклар ўртасида тошкентлик Дмитрий Санович 12-Осиё ўйинлари қатнашчиларини ҳам ортда қолдириб, ғолиб чиқди. У, айниқса, 50, 100 ва 200 метрларга брасс усулида сузиш бўйича юқори натижа кўрсатиб, маррага биринчи бўлиб етиб келди. Аёллар баҳсида Саида Искандарова ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди.

Алоҳида кўрсаткичларга кўра Осиё ўйинлари қатнашчиси В. Кабанов 50 метрга батерфлей ва эркин сузиш бўйича ғолиб чиқди. Навоийлик Альберт Галяутдинов 100 ва 200 метр масофаларга чалқанча сузиш бўйича, унинг ҳамшаҳри Александр Агафонов эса 100 ва 400 метрга эркин усулда сузиш бўйича I-ўринни эгаллади.

**Расул ЖУМАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## ХУСУСИЙЛАШТИРИШ САМАРАСИ

Оҳангарон туманига қарашли Эйвалек қўрғонидаги 99-дорихона масъулияти чекланган жамиятга айлантирилганига кўп бўлгани йўқ. Янгича ишлаш тез орада ўз самарасини берди. Ҳозир ўн бир мингдан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатаётган бу дорихонадан зарур дори-дармонларни бемалол харид қилиш мумкин. Тадбиркорлар, шунингдек, аҳолига халқ табобати усулида малҳамлар тайёрлаб беришни йўлга қўйди.

## АГАР ЖУРНАЛИСТИКАГА ҚИЗИҚСАНГИЗ

*«Халқ сўзи» қошида Журналистлар мактаби ташкил этилмоқда. Ушбу мактабга пойтахтимизда таҳсил олаётган, журналистик касбига қизиқувчи студентлар, ишчи-ёшлар қабул қилинади.*

*Машғулотларни газетанинг ва республикамиз оммавий-ахборот воситаларининг етакчи журналистлари олиб боришади. Ҳужжатлар 1 февралга қадар таҳририятнинг «Хатлар ва оммавий ишлар бўлими»да қабул қилинади.*

*Машғулотлар 15 февралдан бошланади.*

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-19 уй. Телефон: 33-07-48.**



Қиш завқи. А. МУРАТОВ фотолавҳаси.

## ИЖОДКОРЛАР КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг Тошкентдаги кўргазмалар залида Андижонлик ижодкорлар кўргазмаси ташкил этилди. Бу ерда тасвирий санъат, ёғоч ўймакорлиги, пичоқчилик, мисгарлик, кулолчилик ва ҳайкалтарошлик санъати бўйича уч юздан ортиқ асар намойиш қилиняпти. Томошабинларда айниқса рассом Ҳасанбой Саидовнинг Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳаётига оид ишлаган картиналари, мусаввир Обиджон Бакиров ижодига мансуб замондошлар портрети ва табиат манзаралари катта қизиқиш уйғотмоқда.

(ЎзА).


**"ТТЗ" ИЧБ АСБОБСОЗЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ**

**асбоб ва ускуналар тайёрлаш учун буюртмалар қабул қилади:**

- *иссиқлайин ва совуқлайин штамплаш қолиплари;*
- *кесувчи асбоблар (пармлар, зенкерлар, фрезалар, развёрткалар);*
- *қаттиқ қотишмадан тайёрланган ва тез кесувчи асбоб;*
- *қуйиш ва пресслаш учун қолиплар;*
- *заргарлик жўва (валл) лари, ф 12 мм. гача халқа кесадиган мосламалар;*
- *қувурларни кесадиган ва резба очадиган сантехник мосламалар;*
- *буюртмачининг чизмалари бўйича ностандарт ускуналар ва бошқалар.*

**Қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:**
Тошкент шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси, 434.
Телефонлар: 64-80-55, 64-03-21.



Uzintrans

**МУҲТАРАМ ЖАНОБЛАР !**

Қизиқарли саёҳатга чиқишни ҳохлайсизми ?
Молиявий муаммоларингизни бартараф этишни ҳохлайсизми ?
**"ЎЗИНТРАНС" бу борада сизга ёрдам беради !**

***Айни дамда биз қуйидаги мамлакатларга саёҳат қилишни таклиф қиламиз:***

***Бирлашган Араб Амирликлари;***
***Ҳиндистон;***
***Таиланд;***
***Туркия;***
***Германия (автомобиль хариди билан);***
***Исроил;***
***Америка Қўшма Штатлари (Москвадан жўнатилади).***

***Юмшоқ ўриндиқли "Мерседес-Бенц" автобуси билан сиз Ашгабад, Алмати, Бишкек ва Машҳад (Эрон) шаҳарларига сайёҳликка чиқишингиз мумкин.***

**Хизмат кўрсатиш шароитлари энг юқори даражада !**
**Йўлланмалар нархи — энг қулай !**
**Ҳамкорлик — ўта ишончли !**

*Маълумот учун телефонлар: 55-95-19 (соат 10 дан 17 гача).*

*Бизнинг манзил: 700031, Тошкент, Юсуф Хос Хожиб кўчаси, 13-уй (собиқ Педагоглар кўчаси).*

***"Ўзхорижтранс", ИИВ биноси орқасида, 3-қават, 301хона.***

**Қуйидаги транспортлар орқали келиш мумкин:**
4, 5, 7, 8, 10, 28-трамвайларнинг,
11-троллейбусларнинг ҳамда, 135-автобуснинг
"Марказий бозор" бекати ёки метронинг
"Космонавтлар" бекатигача келинади.



ТАШКИЛОТ ТАВСИЯ ЭТАДИ:

**Омборхоналар учун арк**



равоқсимон ангар, махсус бинолар, шунингдек жонивор ва паррандалар сақланадиган, иситиладиган ва совуқ гараж, дўконлар.

Қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинсин:
(3712) 33-07-62, 32-74-79, 99-70-64


«Ўзсувқурилиш» давлат концерни бошқаруви «Орол сув қурилиши» бирлашмаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Р. Г. Давлатёровга укаси **Равиль ДАВЛАТЁРОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республика Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳайъати ва жамоаси Сирдарё вилояти «Сувоқова» ишлаб чиқариш бошқармасининг директори **Шермат РАСУЛОВнинг** фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан марҳумнинг қариндошлари ва яқинларига чуқур таъзия билдирадилар.




ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир:**
**Анвар ЖЎРАБОЕВ.**

• *БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Қишлоқ хўжалиги 32-07-94;*
*Иқтисодиёт 32-36-65;*
*Маънавият 32-35-60;*
*Ахборот 32-29-89;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.**

**Навбатчи муҳаррир — И. Худоёров.**
**Навбатчи — Б. Остонақулов.**

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0021 50908 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 21.00.